



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № С/Д-6

между Кораузақ тумани йуллардан фойдаланиш УК и Коракалпогистон Республикаси ҳудудий автомобиль
йуллари Бош бошкармаси на общую сумму 157383880,00

Глава

118

Казначейский лицевой счёт

304510860354017045162118001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь	105 691 000,00			105 691 000,00
Февраль	25 847 000,00			25 847 000,00
Март	25 845 880,00			25 845 880,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	157 383 880,00			157 383 880,00

Всего 157383880,00 сум

Сто пятьдесят семь миллионов триста восемьдесят три тысячи
восемьсот восемьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в _____ мес. 20 ____ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Ерназаров Юсуп Курбанбаевич

Ф.И.О.

(подпись)

Палекеев Зарипбай Жумабаевич

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

Получил работник
заказчика

(подпись)

« ____ » _____ 20 ____ г.

« ____ » _____ 20 ____ г.

С/Д-6 сонли
САҚЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ШАРТНОМАСИ

Нукус ш.

«5» январь 2022 йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси (АЙББ) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ в.в.б. **Ю.Ерназаров** ва иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Қораўзак тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТЙФУК) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Осербаев** иккинчи томондан

1. 4Р-176«Нукус ш.-Чимбой ш.-Тахтақўпир ш.» а/й.нинг 84-102 км узунлиги 18 км

2. 4Р-179«Қораўзак овули-Қумшунгул темир йўл станцияси» а/й.нинг 0-27 км узунлиги 27 км.

автомобиль йўллари (кейинчалик – объектлар) сақлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

Сақлаш – автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъмирлаш. Шунингдек автомобиль йўллари кишида сақлаш ва кукаламзорлаштириш бўйича комплекс ишлар;

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган **сақлаш** ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан жорий нархларда ҚҚС билан **157 383 880 (бир юз эллик етти миллион уч юз саксон уч минг саккиз юз саксон) сўми** ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) **сақлаш** ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун:

объектлар бўйича дефект актларини тузиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлашни тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йўлининг узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга оширади.

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

сақлаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

сақлаш майдони кўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолатини таъминлашни учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

9. сақлаш ишларининг давом этиш вақти 2022 йил 5 январдан бошланиб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

Шартнома муддати: Шартнома Ҳазначилик бошқармасида руйхатдан ўтказилгандан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади

11. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ҳар чоракда режалаштирилган иш қийматининг 40 фоизи миқдорида аванс маблағ ўтказди.

Буюртмачи ва Бажарувчи ҳар ойнинг 25 кунда бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари эттирилади ва жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобиди тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг ойлик шартномавий қийматининг 60 фоизи миқдорида, амалий бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан ва қабул қилингандан кейин Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

12. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

16. Бажарувчи техник кузатувчини ишлаш учун меҳмонхона ва ҳаракатланиш учун транспорт билан таъминлайди. Техник кузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

17. Бажарувчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кундан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) шу ойнинг 25 кунига қадар Буюртмачига топширади.

18. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Бажарувчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

22. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Бажарувчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

25. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. КАФОЛАТЛАР

26. Бажарувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган бажарилган ишлар суммасини Бажарувчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

27. Бажарувчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

28. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Бажарувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Бажарувчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Бажарувчи:

ишларнинг бажарилиши Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлайди.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади. Бажарувчи далолатнома асосида қабул қилиб олган автомобиль йуллари ва йул иншоотларига «Автомобиль йуллари тўғрисида»ги қонунига асосан мулк­ий жавоб­гардир.

Бажарувчи ушбу шартномага асосан **Саклаш** майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофазасини таъминлашга жавобгардир ва **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**га асосан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Саклаш ишларини олиб бораётган Бажарувчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулк­ий жавоб­гардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Бажарувчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Бажарувчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Бажарувчи ташкилот нуксонларни қилишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ўз қучи билан Бажарувчи ҳисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

36. Бажарувчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчи ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда итисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Бажарувчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

43. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.


45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари
худудий бош бошқармаси
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли гузори 16/1 уй
ИНН 200349889 ОКЭД 84130
л/с 304510860354017045162118001
УзР Молия вазирлиги газначилиги
х/р 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919

Бошлик в.в.б:



Ю.Ерназаров

БАЖАРУВЧИ

Қораузак тумани йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси
Қораузак тумани, Қорақалпоғистон қўчаси
Ўз.Р. ТИИ Миллий банк ҚҚ бўлими
м/р 22626000800405812002 МФО 00582
ИНН 200 402 048 ОКЭД 42110

Директор



А.Осербоев

Бош юристконсульт:

Х.Якупов